2013 ЙИЛ 20 АВГУСТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (12.474)

Баҳоси эркин нархда

22 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

САНЪАТ БЎСТОНИДА ЯНГИ НИҲОЛЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ёш ижрочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Истиқлол» саройида 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини топширишга бағишланган тантанали тадбир ва гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирга тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, санъат ихлосмандлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиблари этиб камолга етказиш, эстетик диди ва тафаккури, дунёқарашини тўғри шакллантиришнинг асосий шарти сифатида мусиқа санъатини равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, ёшларни «оммавий маданият» руҳидаги оқимлар, менталитетимизга ёт, мазмунан саёз қўшиқлардан ҳимоялашда санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳитни ташкил қилиш, ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз намуналари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, мусиқий таълимни ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган ижодий танловлар, санъат байрамлари, концертлар, жонли ижродаги қўшиқлар фестивали ёшларнинг мусиқий дидини тўғри тарбиялаш, эстетик савиясини янада ошириш, халқимизни янги мусиқий асарлардан баҳраманд этишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан юртдошларимиз юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида берилаётир.

Айни пайтда «Ниҳол» мукофоти янгидан-янги истеъдодларни кашф этиш, уларнинг ижодини катта саҳналарда намойиш этиш учун яқиндан кўмаклашиш, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Ниҳол» мукофотига саралаш 2006 йилдан буён уч босқичли тизимда ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган истеъдод эгаларининг ижодини тарғиб этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра ушбу мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилиши кўзда тутилган. Бу юртимизда ғоявий-бадиий юксак савиядаги янги қўшиқлар ва мусиқий асарлар яратиш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва шу асосда «Ниҳол» мукофотининг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

2012 йилда ўтган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичларида ёшлар ўз истеъдодини турли ҳудудлар ва юртимизнинг кўзга кўринган мутахассисларидан таркиб топган экспертлар, мусиқашунослар назаридан ўтказди. Дастлабки саралаш босқичларида мамлакатимиз бўйича 12134 нафар ёш «Ниҳол» мукофотини қўлга киритиш учун ижодий кураш олиб борди. Уларнинг 155 нафари танловнинг мамлакат босқичида иштирок этди.

Жорий йилнинг 14-16 июль кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган танловнинг мамлакат босқичида иштирокчилар мумтоз қўшиқ, мусиқа ижрочилиги, эстрада, опера, рақс бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Мазкур мукофот соҳиблари ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртига имтиҳон ва тест синовларисиз давлат гранти асосида ўқишга кириш имконияти, «Ниҳол»нинг махсус стипендияси ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баробари миқдорида пул мукофотига эга бўлади.

...Саҳнада ижро этилаётган жўшқин мусиқа шўх рақсларга уланади. «Ниҳол»нинг янги соҳиблари номлари тантанали тарзда эълон қилинади. Жорий 2013 йилда опера ижрочилиги бўйича Науризбек Махаммадиёров (Қорақалпоғистон Республикаси), Абдулла Ширинов (Қашқадарё вилояти), мумтоз қўшиқ йўналишида Элдор Ғуломов (Андижон), Дилфуза Қобилова (Бухоро вилояти), Зулхумор Мамарасулзода (Жиззах вилояти), эстрада йўналишида Гўзал Жуманиёзова (Навоий вилояти), Гуласал Абдуллаева (Наманган вилояти), Шерзод Ортиқов, Умида Хўжаева (Тошкент шаҳри), Нодира Абдураҳмонова (Тошкент вилояти), рақс санъати бўйича Феруза Хўжанова (Самарқанд вилояти), мумтоз қўшиқчилик бўйича Умида Ҳамидова (Сирдарё вилояти), Жайҳунбек Матмуродов (Хоразм вилояти), мусиқа ижрочилиги бўйича Қаҳрамон Ғуломжонов (Тошкент шаҳри), Фарғона санъат коллежи ўқувчиларининг «Ниҳол» ўзбек халқ чолғулари ансамбли (Фарғона) мазкур мукофотга лойиқ топилди. Уларга диплом ва мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг камолоти учун барча имкониятлар яратилган, – дейди Науризбек Махаммадиёров. – Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни янада кўпроқ изланишга, халқимизга манзур бўладиган бадиий юксак қўшиқлар яратишга ундайди.

Санъат усталари ва «Ниҳол» мукофотининг бу йилги совриндорлари иштирокидаги гала-концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тошкент шаҳрида анъанавий «InfoCOM-2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ҳар йили ўтказиб келинаётган ахборот-коммуникация технологиялари миллий саммити – «2013 АКТ саммити» бўлиб ўтади.

АКТ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ВОҚЕА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва бошқа соҳаларда АКТни янада ривожлантириш ҳамда кенг жорий этишга кўмаклашмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2020 йилларга мўлжалланган Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича комплекс дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларини жадал ривожлантириш борасида янги босқични бошлаб берди.

Анъанавий ахборот-коммуникация технологиялари миллий саммитининг асосий воқеаларидан бири бўлган «InfoCOM-2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад соҳадаги янги йўналиш ва ютуқларни намойиш этиш учун ўзига хос майдон яратиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларига замонавий технологияларни жорий этиш, АКТни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, ҳамкорлар доирасини кенгайтириш ва ушбу секторни ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат.

Ҳар йили саммитда Ўзбекистондаги АКТ соҳаси мутахассислари ва бу борада шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича энг сўнгги ютуқларни муҳокама қилиш ҳамда фикр алмашишдан манфаатдор хорижий давлатлар вакиллари иштирок этади. Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, бу йилги саммитда АКТ соҳасидаги сиёсатни тартибга солиш, дастурий таъминот саноати, медиа бизнес, электрон тижорат ва электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш, тадбиркорлик ва инновация фаолияти учун ихтисослаштирилган илмий-техникавий ҳудудлар ҳамда қулай инфратузилма яратиш, ушбу жараёнда давлатнинг ўрни ва бошқа масалалар муҳокама этилади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда CIB GROUP компанияси томонидан ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ҳафталик доирасида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган ва мутахассислар ҳамда кенг доирадаги фойдаланувчилар учун катта қизиқиш уйғотадиган бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади. Бир пайтнинг ўзида Тошкент ва Жиззахда бўлиб ўтадиган «ICT-Expo-2013» ахборот технологиялари кўргазмаси ҳам ҳафталикнинг муҳим воқеаларидан биридир. Бундан ташқари, АКТ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича семинар, Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилади, UZ миллий домени интернет-фестивали якунлари сарҳисоб қилинади. Ҳафталикнинг сўнгги кунида «BestSoft Chalenge» танлови, «ICT-students» универсиадаси ва WCGкомпьютер ўйинлари бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнири ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бўстонлиқ туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич ташкилотлари етакчиларининг «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида республика форуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 140 нафар энг фаол бошланғич ташкилот етакчиси иштирок этди.

● Қанликўл туманида «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида «Наврўз» овул фуқаролар йиғини, туман марказидаги Айдос бий, Гулистон, 8 март, Ҳамза, Қорақалпоғистон кўчалари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди.

● Самарқандда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

● Энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Кўнғирот туманида 20 хонадонга мўлжалланган икки қаватли янги турар-жой фойдаланишга топширилди.

● Элликқалъа туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда 18 хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси, 43 энг намунали маҳалла, корхона, шифохона ва ўқув муассасаси хотин-қизлар қўмитасининг фаол аъзоси иштирок этди. Танлов қатнашчилари олтита номинация бўйича сараланди.

ЖАҲОНДА

● Озарбойжонда тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламасининг тақиқланиши кўзда тутилмоқда. Зеро, парламентнинг навбатдан ташқари сессиясида кўриб чиқиш режаланаётган «Реклама тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қонун лойиҳасига кўра, келгусида жамоат жойларида — жамоат транспортида, кинотеатрларда, ёпиқ биноларда, спорт мусобақалари ва концертлар намойиш этиладиган стадион ва саройларда, шунингдек, ўқув муассасаларида, маиший хизмат тармоқларида чекиш тақиқланади.

● Кеча АҚШнинг Пенсильвания штатининг Питтсбург шаҳридаги Brownies Oil Company нефть компаниясига қарашли заводда кучли портлаш рўй берди ва натижада бир киши ҳаётдан кўз юмди. Маълумотларга кўра, корхона ҳудудида ёнилғи олиб кетаётган юк машинаси портлаган.

● Кеча Гавайи ороллари қирғоғида акула 16 ёшли ўсмирга ҳужум қилди. Маҳаллий полиция ходимларининг маълумотларига кўра ушбу ҳодиса Катта орол ёнида бола серфинг билан шуғулланаётган пайтда рўй берган. Йиртқич балиқ ўсмирнинг оёғидан тишлаган ва фақат ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайлигина оёқ кесилишининг олди олинган. Таъкидлаш жоизки, бир неча кун аввал — 15 августда ҳам Гавайи ороллари ёнидаги чўмилиш ҳавзаларининг бирида акула германиялик аёлга ҳужум қилиб, қўлини узиб олган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда «Тадбиркорлар томонидан юртимизга олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналарни тез ва қулай шарт-шароитлар асосида экспертизадан ўтказиш: муаммо, ечим ва имтиёзлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Билимлар ярмаркаси» бошланди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалла гузарида давлатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» мавзусида давра суҳбати ўтказилади.

МАҲАЛЛАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Саноқли кунлардан сўнг Энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги кенг нишонланади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлиб ўтаётган байрам шодиёналарини кўриб, кўзингиз қувнайди.

Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалла гузарида Чилонзор туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қиммат-им, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданият, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида маънавий-маърифий ҳамда «Маҳалла куни» тадбирлари ўтказилди. Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлими, туман «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети вакиллари ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла» посбони жамоат тузилмалари раҳбарлари иштирок этди.

— Мустақиллик маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўзўзини англаш, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаш зарур, — дейди Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова. — Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингишига боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик туфайли халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида эътиборга молик кўпгина ишлар амалга оширилди.

— Бу йил биз учун омадли келди, — дейди тумандаги «Бектўпи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насиба Раҳматуллаева. — Маҳалламиз гузари замонавий кўринишга эга бўлди. Бундан ташқари маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичида 1-ўринни эгаллаб, шаҳар босқичида иштирок этганимизни айтиб ўтмоқчи эдим. Буларнинг бари мустақиллигимиз шарофати биландир.

Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирда «Маҳалла куни» муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла жонкуярлари, фидойилари фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Шароф Музрапов, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси эстрада хонандалари Нигора Якубова ва Сожида Гулматоваларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларни даврага чорлади.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ёрдамга кўпроқ муҳтож қатламлари – ёлғиз қариялар, ногиронлар, болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашда ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантиришга муҳим эътибор қаратилади.

— Ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган муваффақиятлар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли даражада яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 3,1 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3,2 баробар камайгани, фуқароларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 га етгани алоҳида эътиборга лойиқ, — дейди Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Шаропов. — Ўтган давр мобайнида республикамизда Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш мақсадида реабилитация марказлари тизими шакллантирилди ҳамда уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ҳар йили 15 минг нафардан зиёд ногиронларга тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация хизматлари кўрсатилмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан ижтимоий муҳофаза тизимини янада такомиллаштириш ва давр талабига мослаштириш белгилаб берилди.

Матбуот анжумани давомида Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан биринчи навбатда кексалар ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматнинг кафолатланган тизими шакллантирилгани ва жаҳон стандартларига мослаштириш мақсадида тиббий-ижтимоий муассасаларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш ва янги технологиялар жорий этиш мақсадида ижтимоий хизмат тизимининг янги турлари, хусусан, реабилитация техник воситаларини ижарага берувчи шохобчалар, ижтимоий такси, мобиль ижтимоий гуруҳ ва бошқа хизматлар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида 50 га яқин тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди ҳамда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, матбуот анжуман сўнгида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

БАРЧА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ — «ЎзАСБО» ТИЗИМИДА

2014 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ягона «ЎзАСБО» тизимида юритади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги, вазирлик ҳузуридаги Ахборот-ҳисоблаш маркази ҳамда Молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренингда сўз юритилди. Тадбир бюджет ташкилотлари мутахассисларини «ЎзАСБО» дастурий комплекси билан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамият ва давлат қурилишининг барча соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш зарурлиги қайд этилган. Бюджет ташкилотлари фаолиятига «ЎзАСБО» дастурий комплексининг жорий этилиши бу борадаги ишларнинг узвий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази директори вазифасини бажарувчиси Ботир Нурматовнинг айтишича, бугунги кунда бюджет жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, Молия вазирлигининг ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлари ёрдамида ҳисоб ва ҳисобот масалаларини ўз ичига оладиган бюджет даврини ахборотлаштириш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан «ЎзАСБО» дастурий комплекси билан биргаликда жорий этиладиган «Бюджет ташкилотларини паспортлаштириш» дастурий комплекси лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Шуни эътиборга олган ҳолда, семинар-тренингда ҳудудий молия идоралари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимлари «ЎзАСБО» дастурий комплексининг иши билан таништирилди ва улар орасидан кейинчалик жойлардаги бюджет ташкилотлари мутахассисларини «ЎзАСБО»да ишлаш кўникмаларига ўргатадиган ҳудудий мураббийлар тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари базасини яратиш ва юритиш молия идоралари учун электрон шаклда сарф-харажатлар сметасини тузиш ҳамда ҳисобот маълумотларини тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, дастур бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоботини юритиш йўриқномаси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига тўлиқ мос бўлишини таъминлайди.

«ЎзАСБО» дастурий комплекси бошқа дастурлардан бюджет ташкилотлари маълумотларини Молия вазирлиги маълумотлар марказида тўплаши ва юқори даражада ишончли сақлаши билан ажралиб туради. Бундан ташқари, дастур ҳимояланган каналлар орқали «Ғазначилик» ва бошқа мавжуд дастурий комплексларга интеграциялашиш учун кенг имконият яратади, бюджет ташкилотлари ходимларига Молия вазирлигининг mdm.uz манзилида жойлашган ахборот майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Таъкидлаш жоизки, барча бюджет ташкилотлари «ЎзАСБО»га бепул уланади. Бу «ЎзАСБО» ва «Ғазначилик» дастурий комплексларининг бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишлаши натижасида электрон-рақамли имзодан фойдаланиш орқали электрон тўлов талабномаларини тайёрлаш эвазига бюджет маблағларини тежашга ёрдам беради.

Ўқув жараёнида иштирокчилар дастурий комплекс бир пайтнинг ўзида 30 минггача фойдаланувчи узлуксиз ишлашини таъминлашга қодир эканини таъкидлади. Бунда бевосита дастурий комплекс билан ишлайдиган ходимлар учун ахборот технологияларига доир бошланғич билимга эга бўлиш етарлидир.

Мухтасар айтганда, семинар-тренинг бўлажак мураббийларга бюджет ташкилотлари учун мўлжалланган «ЎзАСБО» дастурий комплексини ўзлаштириш йўлида зарур назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлиш ҳамда бошқа долзарб масалалар бўйича батафсил ахборот олиш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Юнусобод туманидаги марказий кўптармоқли поликлиникада «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

2013 йил — Обод турмуш йили

САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Тиббий кўрик тумандаги беморларни аниқ текширувдан ўтказиб, самарали даволашга қаратилган бўлиб, унга илмий-текширув институтларидан олий тоифали шифокорлар ва малакали мутахассислар жалб этилди.

Поликлиникада алоҳида жойлар ажратилиб, тегишли асбоб-ускуналар, жумладан электрокардиограф, ультратовуш ташхис аппаратлари билан жиҳозланди.

– Мустақиллигимизнинг қутлуғ тўйини нишонлаш арафасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар замирида аҳолининг саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсад қилинган, – дейди туман тиббиёт бошқармаси соғлом турмуш тарзи бўлими бошлиғи, поликлиниканинг гинекология бўлими шифокори Рўзигул Шодиева. – Туманда истиқомат қилаётган аҳолининг саломатлик билан боғлиқ муаммолари батафсил ўрганиб чиқилди. Бир қатор фуқароларда соғлиғига доир муаммолар борлиги аниқланди, шулардан ёши катта, ижтимоий ҳимояга муҳтож қария, нафақахўр ва ёлғиз кекса эркаклардан 108 нафари, аёллар 123 нафар, ногиронлар 53 ва 16 ёшга тўлмаган 52 нафар бола тиббий текширувдан ўтказилиб, улар доимий назоратга олинди.

– Икки йилдан бери қандли диабет касаллигидан азият чекмоқдаман, – дейди нафақахўр Нафиса Усмонова. – Ушбу касалликни чуқур текширириш мақсадида олий тоифали эндокринолог, тиббиёт фанлари номзоди Дина Есимова кўригидан ўтдим. Шифокордан касалликка оид бир қатор фойдали маслаҳатлар олдим.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш борасида катта аҳамият касб этувчи бу каби тадбирлар мамлакатимиз ва пойтахтимиздаги барча туманларда ўтказилмоқда.

Зиёда ОРТИҚОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Анжуманлар

ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгашининг «Саёҳат сари» ўқув марказида «Мирзо Улуғбек туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш – халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили» мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда туман фаоллари иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Д.Холиқова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар «Обод турмуш йили»да олиб борилаётган ишлар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, бошланғич сармояни шакллантиришга кўмаклашиш орқали бандлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаси ҳақида сўз юритишди.

Мазкур семинардан кўзланган мақсад кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш, туманда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлашда депутатлар, мутасадди ташкилотлар иштирокини кучайтиришдир.

– Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек тумани бўлими раиси Нурхон Алланазарова. – Бундай тадбиркорлик субъектлари аҳолини иш билан таъминлашга муҳим ҳисса қўшишмоқда. Жорий йил бошида туманимиздаги 52 та маҳалла фуқаролар йиғинида 1653 та иш билан банд бўлмаганлар мавжудлиги аниқланди. Бугунги кунга қадар уларнинг 1200 нафарга яқинини иш билан таъминлашга эришдик. Бундан ташқари, маҳаллаларимизда оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчиликнинг бир қатор йўналишларида ўта тоғирд анъаналарини йўлга қўйиб, аҳоли бандлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган дастур ва чора-тадбирлар ижтимоий соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман бўйича 95 та лойиҳа асосида 800 га яқин иш ўрни яратилиши керак эди. Амалда 97 та лойиҳа ишга туширилиб, 860 дан зиёд янги иш ўринлари очилди. 14,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

Семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Абдуалим САЛИМОВ

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларнинг соғлом улғайиши, таълим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши учун барча зарур шароитлар яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини таъминлаш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ратификация қилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Истиқлол йилларида мазкур соҳага оид ўттиздан ортиқ қонун, шу жумладан 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ҳамда қарорлари, юздан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида репродуктив саломатликни янада яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Семинарда пойтахтимиз ва Тошкент вилояти босма оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти ва самараларини, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотларнинг мазмунмоҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича билим ва маҳоратини оширди.

А.САМАДОВ,
ЎзА мухбири

22 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛЛАРИ

(2009 йил)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда 2009 йил давлатимиз раҳбари томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланди. 26 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори асосида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури қабул қилинди. Дастурни амалга ошириш учун жами 194 миллиард 900 миллион сўм, шунингдек, 142 миллион 420 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш назарда тутилди.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган бир маҳалда мамлакатимизда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига эришиш бўйича шунча иш режалаштирилгани – алоҳида эътиборга молик.

Январь ойида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислом Каримовнинг «Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш» рисоласи чоп этилди. Унда бугунги демократик ислоҳотлар шароитида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва вазифаси ҳар тарафлама таҳлил қилиб берилади. Юртбошимиз, хусусан, ҳозирги пайтда маънавий-маърифий тарбия ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, миллий ўзликни англаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлаш, шунингдек, халқимизга етказишда матбуот, радио, телевидение ва интернет журналистикасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганидан келиб чиқадиган аниқ тавсияларини илгари суради.

Йил бошидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Навоий шахри халқаро аэропорти ҳудудида МДҲ мамлакатларида биринчи бўлиб «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этила бошлади. Ана шу эркин индустриал-иқтисодий зона ёнида 2009 йил январидан «Кореан Эйр» компанияси томонидан бошқариладиган юк ташиш тизими йўлга қўйилди. Бу компания юк ташиш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, яъни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган кун. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳолисона баҳо берилиб, жумладан, *«Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, терроризм ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон вазият кескинлигича қолаётгани»* айтилди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгиланиш бўйича биз танлаган стратегия – армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга қаратилган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

16 январь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Биз буюк келажак яратишга киришганмиз. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз: *«Спорт – соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади»*, – деди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» мавзуида маъруза қилди. Маърузада келтирилганидек, 2008 йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми — 21,3 фоизга ўсди.

2008 йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози 2009, 2010 йилларда ҳам давом этиши кутилаётган эди. Шуни инобатга олиб, Ислом Каримов, жумладан, шундай деди: *«Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади»*.

Март ойининг бошида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи **Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида унм бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» рисоласини босмадан чиқарди.** Май ойида у инглиз тилида ҳам чоп этилди.

Хабарингиз борки, 2009 йилга келиб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кўлами тобора кенгайиб, янада чуқурлашиб борди. Мазкур рисолада айнан ана шу инқироз билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил этилади.

Икки қисмдан иборат бу рисоланинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар» деган биринчи қисмида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг қамрови ва оқибатлари, шу жараён билан боғлиқ ўта муҳим масалалар таҳлил этилади, муаммоларнинг ечимлари кўрсатиб берилади.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кам зарар кўраётган мамлакатлар сирасига киради. Аммо бу ютуққа ўз-ўзича эришилгани йўқ. Бунга мустақиллик йиллари олиб борилган изчил иқтисодий ислоҳотлар бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримов мамнуният билан қайд этганидек, биз: *«Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг»*, – деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик, ...«шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик». Бу жараёнларда давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажарди: *«...Зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади»*.

Айрим мамлакатларда ташқи қарз масаласида пухта ўйланмаган сиёсат юритилди. Шунинг учун бугунга келиб бу уларнинг иқтисодиётини заиф ҳолга солиб, ташқи омилларга қарам қилиб қўйди. Натижада улар хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ҳолга тушиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз эса бошқа йўл тутдик: ***«Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда»*.**

Шу таҳлил ва мулоҳазалари асосида **Юртбошимиз бир қатъий фикрни илгари суради: *«...Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди»*. Чунки Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас қисми ҳисобланади.**

Истиқлол, слоҳот, стиқбол

Рисоланинг «Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли» деган иккинчи қисмида инқироз таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги имкониятлар ҳақида батафсил сўз боради.

Биринчи галда шуни айтиш керакки, юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари ўз рисоласида инқирозни бартараф этишга қаратилган чоралар дастурининг муайян бўлимлари моҳиятини бирма-бир тушунтириб ўтади.

Энг муҳими, бу Дастур изчил ва оғишмай амалга оширилса, у: *«Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, улар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади»*.

Март ойида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ассоциацияси ҳамкорлигида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмаги билан ташкил этилган «Болажонлар-ширинтойлар – 2009» фестивали (12 – 14.03), Германиянинг Бонн шаҳрида «Хоразм вилояти ва Оролбўйи ҳудудида тадқиқот ва илмий фаолият тажрибаси» мавзуида ахборот тадбири, Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адабиётшунос, публицист ва таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум профессор Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча (12.03), **Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси** (27.03) **бўлиб ўтди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 мартда қабул қилинган алоҳида-алоҳида қарорлари билан «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида эса «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Ўрни келганида шуни ҳам айтиб ўтайликки, шу йили **«The Banker» халқаро журнали томонидан ҳар йили ўтказиладиган танловда «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб топилди ва 2009 йилда «Йил банки» сертификатига сазовор бўлди.**

Апрелда ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ягона-сан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди (08.04), Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида (28.04) иштирок этди ва нутқ сўзлади.

25 – 26 майда Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари араб тилида нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида (10.06), Мисрнинг Искандария шаҳри губернаторлиги Халқ кенгашида (август), Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида (16 – 22.10) ҳам шу нашрнинг тақдимоти ўтказилди.

10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди (20.08). **Юбилей арафасида Тошкент шаҳри марказида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи бунёд этилди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бу муҳташам кошонани бунёд этишда фаол қатнашган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан мукофотланди (27.08), Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди (28.08). 1 сентябрда «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг **2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, «Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар» мавзуида нутқ сўзлади.** Тошкент шаҳрининг юбилейи хорижий давлатларда ҳам муносиб нишонланди, жумладан, Москвадаги Миллатлар уйида шу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди (октябрь).

3 июлда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласи чоп этилди. Жойларда шу рисола мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Рисолада адабиётга маънавиятнинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, унинг жамият тараққиётидаги мавқеи, хусусан, комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ва вазифасига юксак баҳо берилди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим амалий таклиф ва хулосалар илгари сурилди.

Кўп ўтмай, аниқроғи 30 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 394-ф-сон фармойиши асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди.

21 – 27 сентябрь кунлари Тошкентда теннис бўйича аёллар ўртасида ўн тўртинчи «Tashkent open – 2009» очиқ чемпионати бўлиб ўтди ва унда 20 дан зиёд мамлакат спортчилари иштирок этди.

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди (ноябрь).

5 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда **Президент Ислом Каримов томонидан 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди.** Орадан тўрт кун ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди (09.12).

Ҳеч бир мамлакат ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Тараққиётда хорижий, хусусан, қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бўлади. Шу маънода Туркманистон – бизнинг ён қўшнимиз. Кейинги йилларда Ўзбекистон – Туркманистон муносабатлари тамоман янги босқичга кўтарилди. **2007 йили Ўзбекистон Президенти Туркманистонга, 2008 йили Туркманистон Президенти Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.**

2009 йил Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида алоҳида саҳифалар очди. 24 – 25 февраль кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди. 25 февралда икки давлат бошлиқлари имзолаган «Ўзбекистон – Туркманистон қўшма баёноти» қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан, 13 – 14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. 2010 йил 10 январда қайта овоз бериш жараёни ўтказилди.

Ўзбек тили – жуда бой тил. Масалан, тилимизда *«фуқаро онги»* деган тушунча аввалдан бор. Уни *«шахс онги»*, *«киши онги»*, *«инсон онги»*, *«одам тушунчаси»*га яқин маънода тушунамиз. Лекин **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги** (05.12) **«Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» деган маърузасида илк бор учратганимиз фуқаролик онги атамаси тилимиз ва сиёсий луғатимиз учун янгилик бўлди.**

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир давлат ўз мамлакати халқи манфаатларидан келиб чиқиб иш кўради. Амалга оширилаётган давлат сиёсати моҳиятини теран англаш ҳамиша фуқаролик онги даражасидан далолат беради.

Хўш, *фуқаролик онги* нима?

Ана шу тарихий маърузанинг ўзидаёқ бу саволга жавоб топамиз. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайлов ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай деди: *«...Бу сайловлар аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди»*.

Фуқаронинг мамлакатда изчил тарзда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятига тушуниб етиши ҳам фуқаролик онги таркибий қисмига киради. **Истиқлол йилларида бизда фуқаролик онги юксалиб бораётир. Бинобарин, Ислом Каримов ана шу маърузасида таъкидлаганидек: *«...Бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида Ер билан осмонча фарқ бор. Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас»*.**

Олим МАҲМУДОВ

(Келгуси сонда 2010 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Шижоатнинг илдизи юракда.

* * *

Сўзнинг салмоғи ақл тарозисида ўлчанади.

* * *

Фаросат илмини ўргатиб бўлмайди.

* * *

Фақат она муҳаббати беғараз.

* * *

Элингдан эмас, феълингдан ноли.

* * *

Инсон табиати абадий тилсим.

* * *

Шубҳа-гумон ҳаёт завқини тоттирмайди.

* * *

Феъли тордан эл безор.

* * *

Ёмоннинг ёмонлиги ўзига бир умрлик жазо.

* * *

Нодоннинг ақли ўз манфаатлари доирасида чекланган.

* * *

Ичи қора гап кўзғаб, жанжал чиқармоқчи бўлади.

* * *

Бир куни ҳаётнинг ўзи сирлар калитини қўлингга тутқазади.

* * *

Қизғаниш ўша нарсанинг қўлдан чиқишига сабаб бўлади.

* * *

Ҳеч нарса ор-номусдан азиз эмас.

* * *

Диди йўққа фарқи йўқ.

* * *

Вақт хамиридан бахт зуваласи ясалади.

* * *

Дард ҳам инсоннинг иродасини синовдан ўтказади.

* * *

Қўрқоқнинг ҳаётида ҳаловат йўқ.

* * *

Ҳақиқатни фақат ўз манфаатингга хизмат қилдириш уни ёлғонга айлантиришдир.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **21 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
22
O'ZBEKISTON

МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ

ДОСТОНБЕК – ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБИ

Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилаётган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 давлатидан 17 ёшгача бўлган 2,6 мингдан зиёд иштирокчи спортнинг ўн олти тури бўйича 122 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчил ривожланаётган болалар спорти фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом тарбиялаш билан бирга улар орасидан халқаро майдонларда юксак натижаларни қўлга киритишга қодир истеъдод эгаларини кашф этишда ҳам муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки олтин, кумуш ва бронза медалларни дзюдочиларимиз келтирди. Осиё ўйинларида дзюдо бўйича ўттиз уч мамлакатдан 130 нафар ўсмирлар ва қизлар учтадан вазн тоифасида куч синашмоқда.

Ўсмирлар ўртасида 55 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда ўн етти ёшли Достонбек Рўзиевга тенг келадигани топилмади. Истеъдодли полвонимиз саралаш учрашувларида филиппинлик Дерек Флойд Риллера, Хитой Тайпейи вакили Куан-Тинг Чин, қозоғистонлик Анатолий Дураченкони мағлубиятга учратди. Олтин медаль учун ўтказилган ҳал қилувчи баҳсда Жанубий Корея терма жамоаси аъзоси Тае Ёнг Лидан устидан зафар қўлга киритди.

Д.Рўзиев ғалабаси шарафига мустақил Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Вазни 66 килограммгача дзюдочилар беллашувида яна бир умидли спортчимиз Улуғбек Отамуродов тожикистонлик Расул Саидов, хитойлик Ксианьянь Зенг, Корея Халқ Демократик Республикаси вакили Чолгванг Кимни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Оғирлиги 44 килограмм бўлган қизлар мусобақасида муваффақиятли қатнашган Диёра Келдиёрова мезбонлардан Жуан Ксю, жанубий кореялик Юн Жи Ким ва туркманистонлик Ульяна Назарова устидан қозонган ғалабалари эвазига бронза медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

БАРКАМОЛ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

Сергели туманида жойлашган «Олимпия умидлари» 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Ёз — 2013» спорт мусобақаларининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиёналарига бағишлаб ўтказилган ушбу мусобақани Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали Сергели туман бўлими ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорликда ўтказди.

Мусобақада 500 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка, минифутбол, футбол, бадминтон, бадиий ва спорт гимнастикаси турлари бўйича куч синашдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда спортга ҳаваси ортиб соғлом турмуш тарзига ошно бўлаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур спорт мактабида ҳам ўнта секцияда 550 нафардан зиёд бола спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Мактаб тарбияланувчилари ўзбек жанг санъати, муайтай, спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган шаҳар ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишаётган бўлса, универсал жанг тўғараги аъзолари жаҳон чемпионатида совринли ўринларни эгаллашди. Улар спорт машғулотлари орқали саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари сари интилишаётир.

«Ёз — 2013» мусобақаларининг туман босқичида кўплаб ёш спортчилар ўз маҳоратларини намоён этишди. Улар орасидан энг кучлилар саралаб олинди. Жумладан, ўғил болалар ўртасида ўтказилган спорт гимнастикаси баҳсларида Ҳасан Рўзиев, шахмат турида Камолиддин Одилов, шашкадан Жасур Муҳаммаджонов биринчиликни қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасидаги баҳсларда Лазиза Раззоқова шашкадан, Мухлиса Абдурахмонова шахматдан, Самира Зиёдова бадиий гимнастикадан тенгдошлари орасида пешқадам бўлди.

– Қизим телевизорда бадиий гимнастикачилар бажарган чиройли ҳаракатларни томоша қилиб, уларни уйда ўзича такрорлаб юрар эди, – дейди Самиранинг онаси Фотима Шодмонова. – Энди у бир неча йилдан буён бадиий гимнастика тўгарагида спортнинг шу тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бугунги ютуғидан жуда хурсанд бўлдик.

Ҳилола ВОҲИДОВА

Пойтахтимизда жойлашган Турин политехника университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Қизил ярим ой жамияти шаҳар кенгаши, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч маскани ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Аёллар спорт фестивали» бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Тадбирда спортнинг волейбол, енгил атлетика, сузиш, шахмат, стол тенниси, дартс, гимнастрада турлари бўйича пойтахтимиздаги барча туманлардан ташриф буюрган 400 га яқин аёллар ғолиблик учун куч синашдилар.

– Юртимиз Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида ўтказилаётган фестивалда иштирок этаётганимдан беҳад шодман, — дейди 2011 йилда стол тенниси бўйича халқ таълими ходимлари ўртасида ўтказилган шаҳар чемпионати ғолиби Моҳира Бобоназарова. – Мусобақада иштирок этиб кўплаб дўстлар орттирдим. Бу каби спорт мусобақалари биз аёлларнинг соғлом ҳаёт кечиришимизга ва ўз саломатлигимизни мустаҳкамлашимизга ўз ҳиссасини қўшади. Фестивалнинг асосий мақсади аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, хусусан, уларни жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этишга қаратилган.

Фестиваль якунлари сарҳисоб қилингач, Юнусобод тумани жамоаси биринчи, чилонзорликлар иккинчи бўлишди, Сергели тумани хотин-қизларига эса учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Элимиз суйган санъаткорларнинг куй-қўшиқлари тадбирга янада файз бағишлади.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Козим Ўлмасов олган суратлар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. «IVEKO» д.р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси – 93 704 987,55 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. «Hatsan» д.р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси – 49 350 514,5 сўм. 3. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 1-985/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 60 151 JAA. Бошланғич баҳоси – 42 810 293,7 сўм. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 23.11.2013 й. № 1-113/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. «Нексия» д.р. 30 Y 5007. Бошланғич баҳоси – 23 533 157,94 сўм. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Spase Arsenal Servis» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 2 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Бектемир тумани СИБ томонидан 08.04.2013 й. № 1-74-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1977 й. и.ч. «Ваз-2103» д.р. 10 R 769 CA. Бошланғич баҳоси – 6 102 569,60 сўм. 6. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1991 й. и.ч. «ГБАСПГ КАВЗ 3271» д.р. 01 823 NBA. Бошланғич баҳоси – 5 723 446,40 сўм. 7. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1987 й. и.ч. «ГБАСНГ Газ 5205» д.р. 01 935 TBA. Бошланғич баҳоси – 3 049 291,20 сўм. 8. Бектемир тумани СИБ томонидан 01.05.2013 й. № 1-237-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1974 й. и.ч. «Ваз 2103» д.р. 10 S 081 DA. Бошланғич баҳоси – 5 825 356,60 сўм. 9. Бектемир тумани СИБ томонидан 11.01.2013 й. № 1-57-сонли ижро ҳужжатларига асосан 2007 й. и.ч. «Газ 33020214» д.р. 01 418 DCA. Бошланғич баҳоси – 45 000 000 сўм. ИИБ Ахборот марказида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 17 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Бектемир тумани Ҳ.Бойқаро кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. «Москвич-412» русумли д/р 11Х8782 бўлган 1983 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати №2-24, 07.03.2012й. Бошланғич баҳоси – 823 378,68 сўм.

2. «Москвич-412» русумли д/р 30I1541 бўлган 1987 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010й, №1-45. Бошланғич баҳоси – 139 256,15 сўм.

3. «М-21 УС» русумли д/р 11К2070 бўлган 1963 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009й, №1-674. Бошланғич баҳоси – 1 096 963,84 сўм.

4. «Хундай Старекс» русумли д/р 30W9788 бўлган 2007 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, №2-27, 19.04.2012й. Бошланғич баҳоси – 41 556 061 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 10 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 сентябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. «Камаз-53212» русумли, д/р 10AZ071 бўлган, 1988 йилда и/ч, «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.08.2009й №1-504/09. Бошланғич баҳоси – 6 154 290 сўм. 2. «Маз-35337» русумли, д/р 11G82-11 бўлган, 1991 йилда и/ч, «61800-Н» сонли ҳарбий қисмда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.06.2010й №20. Бошланғич баҳоси – 14 339 640 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 10 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 сентябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Учтепа тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 11.08.2010 йилдаги ЖСХ 1-164/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шодлик кўчасида жойлашган умумий майдони 352 кв.м. бўлган яшаш уйи, равон, айвон, ертўла, ошхона, омборхона, ҳожатхона ва бостирма биноларидан иборат 24-уй такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 267 866 100 сўм.**

Савдо 2013 йил 6 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 4 сентябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент меҳр-шафқат касб-ҳунар коллежи маъмурияти малакали мутахассис бош ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилинишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Яккасарой тумани, В.Воҳидов кўчаси, 116-уй
Мўлжал: «Гранд Мир» меҳмонхонаси, UCELL компанияси
Тел (факс): (371) 254-05-89

Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи таълим муассасаси ошхонасининг ижарага берилиши юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 26 августга қадар қабул қилинади.

Телефон: 222-87-90.
Мўлжал: 8-автосарой

Тошкент Давлат авиация институти томонидан 2007 йил 19 октябрда Тсой Виктор Александрович номига берилган 6-ДН рўйхат рақамли BN№345283 сонли бакалавр диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йил 7 июнда Усманов Бахтиёр Равшан ўғли номига берилган 28041 рўйхат рақамли KN№2249554 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9296

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9030 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.10

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ